

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

568 Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Кўчмас мулк объектига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

С. АРАБОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 22 октябрь,
33-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия, картография ва
давлат кадастри давлат қўмитасининг
2015 йил 22 октябрдаги 33-сон қарорига
ИЛОВА

Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сон «Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги, 1998 йил 31 декабрдаги 543-сон «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги ва 2014 йил 7 январдаги 1-сон «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бино — функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажми ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

ер участкаси — ер юзасининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид ҳужжатларда акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

иншоот — ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юқлар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги ер тепасида, ер юзасида ва ер остида жойлашган қурилиш тизими;

кўп йиллик дарахтлар — боғлар, токзорлар, тутзорлар ва бошқа ўрмон дарахтлари;

кўчмас мулк — ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар;

кадастр йиғмажилди — объектнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш

учун зарур бўлган кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиш ва паспортлаштиришнинг, махсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатдан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотлари жамламаси;

махсус иншоотлар — белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун алоҳида ер участкасида қурилган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, жумладан темир ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр ўтказиш линиялари, ер юзасида, ер усти ва ер остида жойлашган магистрал қувурлар, магистрал канал ва коллекторлар;

қурилиши тугалланмаган объектлар — қурилиши белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бошланган, лекин муайян кунга келиб тугалланмаган ёки қурилиши тугалланган, лекин давлат комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинмаган ва уларни қабул қилиш далолатномаси тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқланмаган бино ва иншоотлар.

2. Кадастр йиғмажилди кўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида тайёрланади.

3. Кадастр йиғмажилди кўчмас мулк объектнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва қиймати, шунингдек унинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар ҳақидаги материаллар ва маълумотларни ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни жамлаш йўли билан туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўз ичига олган кадастр йиғмажилди кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага илова қилинади.

4. Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш учун юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ, ер участкасига, бино ва иншоотларга ҳамда кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

бино ва иншоотларга ҳамда кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқлар суднинг қарорига мувофиқ ўтган тақдирда, суднинг қарори;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёридаги бошқа ҳужжатлар.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар аризага илова қилинмаса, кадастр йиғмажилди тайёрланмайди.

5. Аризалар туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан қабул қилиб олинади ва шу куннинг ўзида кўчмас мулк билан боғлиқ ишларни бажариш бўйича аризалар реестрига қайд қилинади.

6. Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари кадастр йиғмажилдини тайёрлаш учун туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўринишида ариза беришлари, кадастр йиғмажилдини тайёрлаш бўйича шартномаларни расмийлаштиришлари, бажарилган ишлар учун тўловларни амалга оширишлари мумкин.

7. Ариза келиб тушган куннинг ўзида туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси билан юридик ва жисмоний шахс ёки уларнинг ишончли вакиллари ўртасида кадастр йиғмажилдини тайёрлаш бўйича шартнома тузилади.

Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ишларининг қиймати Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сон «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аниқланади.

Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш муддати кадастр объектининг мураккаблигига қараб кадастр йиғмажилдини тайёрлаш бўйича шартномада белгиланади ва у бир ойдан ошмаслиги керак. Кўчмас мулк объектининг мураккаблигини ҳисобга олиб, юридик ва жисмоний шахс ёки уларнинг ишончли вакили билан келишган ҳолда кадастр йиғмажилдини тайёрлаш учун бир ойдан ортиқ муддат белгиланиши мумкин.

8. Кадастр йиғмажилди қуйидаги уч қисмдан иборат бўлади:

ер участкасининг кадастр маълумотлари;

бино ва иншоотларнинг кадастр маълумотлари;

кўп йиллик дарахтларнинг кадастр маълумотлари.

9. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аризасига мувофиқ кадастр йиғмажилди кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар бир пайтда вужудга келмаган ҳолатларда ер участкаси, бино ва иншоотлар ҳамда кўп йиллик дарахтлар бўйича алоҳида-алоҳида тайёрланиши мумкин.

2-боб. Ер участкасининг кадастр маълумотларини тайёрлаш

10. Янги қурилиш учун давлат ҳокимияти органи томонидан ер участкаси ажратиб берилган тақдирда, юридик ва жисмоний шахслар қурилиш ишларини бошлашдан олдин ер участкаси берилган кундан эътиборан бир ой ичида ер участкасининг жойлашган манзили бўйича туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза беришлари лозим. Ушбу ҳолатда аризага кадастр йиғмажилди ўрнига давлат ҳокимияти органининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорини ўз ичига олган, ер участкаси ажратиш бўйича йиғмажилд илова қилинади.

Ер участкаси берилган кундан эътиборан бир ой ичида мурожаат қилинмаган тақдирда, кадастр йиғмажилдига бино ва иншоотларнинг кадастр

маълумотлари билан биргаликда ер участкасининг ҳам кадастр маълумотлари киритилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланишида бир нечта ер участкаси бўлса, кадастр йиғмажилди уларнинг ҳар бири бўйича тайёрланади.

11. Ер участкасининг кадастр маълумотларини тайёрлашда қуйидаги ишлар бажарилади:

ер участкасининг топографик карталари ва кадастр маълумотлари, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ва чекловчи ҳужжатлар ҳамда сервитутлар мавжудлиги ўрганилади;

ер участкаси жойида инвентаризация қилинади;

ер участкасининг чегаралари ва умумий майдони ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлардаги маълумотлар билан солиштирилади ва уларнинг фарқи аниқланади;

ер участкасининг амалдаги майдони ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларда белгиланган майдондан ортиқ бўлса, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ернинг чегараси кадастр планига туширилади;

ер участкасининг чегараларини аниқлаш ва келишиш далолатномаси расмийлаштирилади;

ер участкасининг кадастр паспорти тайёрланади.

12. Ер участкасини инвентаризация қилиш натижаси бўйича мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган намунавий шаклда Ер участкасининг чегараларини аниқлаш ва келишиш далолатномаси тузилади.

13. Ер участкасининг чегараларини аниқлаш ва келишиш далолатномасида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат номи, санаси ва рақами;

ер участкасининг жойлашган манзили — туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул) ва кўчанинг номи, уй рақами, агар кўчанинг номи ва уй рақами бўлмаса, қишлоқ (овул), маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктининг номи келтирилади;

ер участкасининг чегаралари таърифи;

ер участкасининг умумий майдони — ҳужжатлар бўйича ва амалда;

ер участкасининг ер участкасини бериш тўғрисидаги ҳужжатларда белгиланган фойдаланиш мақсади ва амалдаги фойдаланиш тури;

қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларнинг бонитет баллари ва меъёрий қиймати;

ер участкаси ҳақидаги бошқа зарур маълумотлар.

14. Далолатнома уни тузувчи, ер участкаси юридик шахсга тегишли бўлса, унинг раҳбари ёки унинг ишончли вакили, ер участкаси жисмоний шахсга тегишли бўлса, ушбу жисмоний шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади ҳамда чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгалари билан келишилади.

Агар чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгаси — жисмоний шахс узоқ муддатга бошқа жойга кетган бўлса, юридик шахс бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган бўлиб, чегараларни келишиш куни ва вақти тўғрисида

огоҳлантирилган бўлса-да, унинг раҳбари ёки вакили келишиш учун келмаса, ушбу ҳолат далолатномада акс эттирилади.

Кейинчалик ер участкасига ёки чегарадош ер участкасига нисбатан белгиланган ҳуқуқ тури ёки ҳуқуқ эгаси ўзгарганда, Ер участкаси чегараларини белгилаш ва келишиш далолатномасини қайта тузиш талаб этилмайди, ер участкасининг чегараси ўзгарган ҳолатлар бундан мустасно.

15. Уй-жойлар, бошқа бино ва иншоотларни қуриш учун берилган ер участкалари съёмка қилинади. Бунда давлат координатлар тизимида чегара бурилиш нуқталарининг координатлари аниқланади ва шартли белгилардан фойдаланиб ер участкасининг электрон рақамли кадастр плани тузилади.

16. Ер участкасининг электрон рақамли кадастр планига қуйидаги элементлар туширилади ва маълумотлар акс эттирилади:

бино ва иншоотлар ҳамда бошқа географик объектлар;

ер участкасининг давлат ҳокимияти органлари томонидан ўрнатилган муҳофаза зоналари ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларнинг чегаралари (мавжуд бўлса);

чегарадош ер участкалари ва уларга бўлган ҳуқуқ эгаларининг номлари.

17. Ер участкасининг электрон рақамли кадастр плани унинг майдонидан келиб чиқиб, кадастр йиғмажилдида тасвирлаш учун қулай масштабларда тузилади. Бунда аҳоли пунктларидаги ер участкасининг кадастр плани 1:500 масштабдан 1:2000 масштабгача, аҳоли пунктларидан ташқарида жойлашган қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари ер участкасининг кадастр плани 1:10000 масштабда ёки 1:25000 масштабда тузилади.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва бошқа шу каби мақсадларда фойланилаётган ер участкаларининг электрон рақамли кадастр плани мавжуд топографик ва қишлоқ хўжалиги карталаридан фойдаланиб тузилади.

Агар ер участкасининг 1:500 масштабдан 1:2000 масштабгача замонавий топографик съёмка материаллари мавжуд бўлса, кадастр плани улар асосида тузилиши мумкин.

Ер участкасининг электрон рақамли кадастр плани қоғозда чоп этилиб, планни тузган ижрочи, ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси томонидан имзоланади ва чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгалари билан келишилади ва Ер участкасининг чегараларини аниқлаш ва келишиш далолатномасига унинг ажралмас қисми сифатида илова қилинади.

18. Ер участкаси жойлашган манзил тез аниқланишини таъминлаш мақсадида ер участкаси жойлашган ҳудуд плани тайёрланади ва кадастр йиғмажилдига киритилади. Ер участкаси жойлашган ҳудуд плани ер участкаси туширилган, унга яқин ҳудудларни ўз ичига олган топографик карталардан ёки бошқа планлардан кўчирмадан иборат бўлади.

19. Ер участкасининг кадастр паспорти мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ тайёрланади ва унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ер участкасининг ҳуқуқ эгаси: юридик шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

ер участкасидан ер участкасини бериш тўғрисидаги хужжат бўйича фойдаланиш мақсади ва амалда фойдаланилиши;

ер участкасининг жойлашган манзили — туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул) ва кўчанинг номи, уй рақами, агар кўчанинг номи ва уй рақами бўлмаса, қишлоқ (овул), маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктининг номи келтирилади;

ер участкасининг кадастр рақами;

ер участкасига бўлган ҳуқуқ тури;

ер участкасидан фойдаланиш муддати;

ер участкасининг умумий майдони — ер участкасини бериш тўғрисидаги хужжат бўйича ва амалда фойдаланилаётган майдони;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжат номи, санаси ва рақами;

ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг чекланиши, сервитутлар ва бошқа шартлар тўғрисида маълумотлар — турлари, мазмуни, асослари ва амал қилиш муддати;

муҳофаза зоналари тўғрисида маълумотлар — муҳофаза зонаси белгиланган объект тури ва муҳофаза зонасининг майдони;

ер участкасидаги кўп йиллик дарахтлар тўғрисида маълумотлар: турлари ва сони;

ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар — Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига киритилган реестр рақами ва сана, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома рақами, берилган сана (мавжуд бўлса);

ер участкасини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар — қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қиймати, баҳоланган йили;

махсус иншоотларга хос бошқа маълумотлар.

3-боб. Бино ва иншоотларнинг кадастр маълумотларини тайёрлаш

20. Ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжат аризага илова қилинмаган бўлса алоҳида бино ва иншоотнинг кадастр йиғмажилди тайёрланмайди, бундан ер участкаси берилмаган кўп квартирали уйлардаги квартиралар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мустасно.

21. Бино ва иншоотларнинг кадастр маълумотларини тайёрлаш жараёнида қуйидаги ишлар бажарилади:

бино ва иншоотлар бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, архитектура-шаҳарсозлик ва бошқа зарур хужжатлар йиғилади ва таҳлил қилинади;

бино ва иншоотлар техник инвентаризация қилинади, бунда биноларнинг ички ва ташқи ўлчовлари аниқланади, майдонлари ва ҳажмлари ҳисобланади ҳамда ушбу маълумотлар мазкур Қоидаларнинг тегишинча 3 ёки

4-иловаларида келтирилган биноларнинг ички ва ташқи ўлчов қайдномаларида акс эттирилади;

бино ва иншоотлар конструктив қисмларининг тавсифи аниқланади ва улар мазкур Қоидаларнинг 5-иловасида келтирилган шаклда акс эттирилади;

бино ва иншоотларнинг архитектура-қурилиш чизмалари тайёрланади;

бинонинг муҳандислик коммуникациялари (газ, электр энергияси, совуқ сув, иссиқлик энергияси, алоқа ва бошқалар) билан таъминланганлиги аниқланади;

жисмоний шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг қиймати аниқланади;

бино ва иншоотларга Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда кадастр рақами берилади;

бино ва иншоотларнинг кадастр паспорти тайёрланади.

22. Бино ва иншоотларнинг архитектура-қурилиш чизмалари энг кам ҳажмда, ортиқча тафсилотларсиз тузилади.

Бинонинг ички хоналари плани чизилади. Агар бино бир неча қаватдан иборат бўлса, у ҳолда барча қаватларнинг планлари, шунингдек ертўланинг плани чизилади. Бинонинг қават планлари 1:100 ёки 1:200 масштабда чизилади ва номланади (масалан, «1-қават плани», «2-қават плани», «Ертўла плани»).

23. Ер ости иншоотларининг (ҳар хил мақсадларда фойдаланиладиган қувурлар, электр ва алоқа линиялари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлган иншоотлар ва х. к.) тавсифи кадастр йиғмажилдига лойиҳа-смета ёки ушбу иншоотлар давлат кадастри маълумотларидан фойдаланиб киритилади.

24. Махсус иншоотларнинг кадастр маълумотлари тайёрланаётганда улар тўғрисида ўзларига хос маълумотлар тегишли давлат кадастрлари маълумотларидан фойдаланиб киритилади. (Масалан, алоҳида кадастр объекти бўлган электр линиясининг кадастр маълумотларидан унинг номи, кучланиши, симлар сони, электр линияси таянчларининг конструкцияси, трансформатор станциялари ва бошқа иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар олиниши мумкин).

25. Жисмоний шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг эскирганлигини аниқлаш уларни кўздан кечириш натижаларига кўра айрим конструктив қисмларнинг эскиришини ҳисоблаш орқали амалга оширилади. Конструктив қисмлар бўйича эскириш фоизини аниқлашда баҳолаш пайтида уларнинг техник ҳолатини текшириш асосида ушбу қисмларнинг эскирганлик фоизи тегишли шахарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ аниқланади ва мазкур Қоидаларнинг 6-иловасида келтирилган шаклда акс эттирилади.

26. Жисмоний шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ин-

вентарь қиймати Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бинолар ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш тўғрисида низомга мувофиқ аниқланади ва баҳолаш натижаси мазкур Қоидаларнинг 7-иловасида келтирилган шаклда акс эттирилади.

Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотларнинг қиймати сифатида улар томонидан берилган маълумотларга асосан бино ва иншоотларнинг кадастр йиғмажилди тайёрланаётган календарь йилнинг 1 январь ҳолатидаги колдиқ қиймати кўрсатилади.

27. Бино ва иншоотларнинг кадастр паспорти мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига мувофиқ ишлаб чиқилади ва унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

юридик шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

бино ва иншоотларнинг турлари;

бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат номи, санаси ва рақами;

бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни чекловчи ёки бекор қилувчи ҳужжатларнинг номи, санаси ва рақами, чеклаш муддати;

бино ва иншоотлардан фойдаланишнинг махсус тартиби бўлган тақдирда, уни белгилашга асос бўлган ҳужжат номи, санаси ва рақами, махсус тартибнинг қисқача тавсифи ва амал қилиш муддати;

бино ва иншоотларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар;

қурилиш маълумотлари (фойдаланишга қабул қилинган йилдаги конструкциялар тури, қаватлар сони);

бино ва иншоотларнинг майдони ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар; муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганлик тўғрисида маълумотлар;

фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар;

махсус иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар.

Бино ва иншоотларнинг кадастр паспортига уларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бошқа кўрсаткичлар ҳам киритилиши мумкин.

28. Бино ва иншоотларнинг, ижрочи корхона архивида сақланадиган кадастр йиғмажилди нусхасида кадастр маълумотларига абрислар, фотосуратлар ва бино ва иншоотларни тавсифловчи бошқа ҳужжатлар ва материаллар илова қилиниши мумкин.

29. Ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкасида уй-жой қуриш ва уй-жойни реконструкция қилиш тугаллангандан кейин юридик ва жисмоний шахснинг аризасига асосан туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ўн кун ичида уй-жойни техник инвентаризация қилади ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда кадастр йиғмажилдини тайёрлайди.

Кадастр йиғмажилди туман (шаҳар) ҳокимининг уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори билан бирга

қурувчи ёки уй-жой мулкдорига ёхуд уларнинг вакилларига бир кун муддатда топширилади.

Биолар қайта ихтисослаштирилганда ва реконструкция қилинганда кадастр йиғмажилдига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

30. Қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказишда ҳуқуқ эгасининг буюртмаси бўйича кадастр йиғмажилди тайёрланади, унда:

ҳуқуқ эгасининг номи;

ер участкасини бериш тўғрисидаги ҳужжатларнинг мавжудлиги, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ер участкасининг иморат ва иншоотлар туширилган плани;

объектнинг номи ва қурилиш бошланган йили;

лойиха-смета ҳужжатларининг мавжудлиги ҳамда архитектура ва қурилиш органлари томонидан қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсат берилганлиги;

қурилиши тугалланган, аммо давлат комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинмаган объектлар рўйхати;

қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларнинг ҳолати;

қурилиши тугалланмаган объектнинг қиймати, зарур бўлганда, баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланган қиймати.

4-боб. Кўп йиллик дарахтларнинг кадастр маълумотларини тайёрлаш

31. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган кўп йиллик дарахтларга кўчмас мулкнинг бир тури сифатида кадастр маълумотлари тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликлари томонидан узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларида ижарага берувчининг рухсати билан ўз маблағлари ҳисобига ўтказилган ва уларнинг мулки бўлган кўп йиллик дарахтлар, ўрмон дарахтлари тўғрисида маълумотлар кадастр йиғмажилди таркибига киритилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалигини ҳамда жамоат боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун берилган ер участкаларида ўстирилган кўп йиллик дарахтлар тўғрисидаги маълумотлар кадастр йиғмажилдига давлат органларининг ушбу мақсадлар учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорларига асосан киритилади.

32. Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш жараёнида боғлар, узумзорлар, тутзорлар ва бошқа ўрмон дарахтларининг майдони ва сони аниқланади. Боғлардаги мева дарахтлари, турларга (олма, нок, шафтоли, ва ҳоказо) ажратилмасдан эгаллаган умумий майдони, сони ҳамда улар жойлашган ер бўлақларининг (контурларининг) рақамлари аниқланади.

33. Кўп йиллик дарахтларнинг кадастр маълумотлари ер участкасининг

кадастр маълумотлари билан биргаликда кўрсатилади. Зарур ҳолда кўп йиллик дарахтлар жойлашган ерларнинг кадастр плани тузилади. Планга шартли белгиларда кўп йиллик дарахтлар эгаллаган ерлар туширилади.

5-боб. Кадастр йиғмажилдини расмийлаштириш

34. Кадастр йиғмажилди А4 (210 x 297 мм) форматдаги ёзув қоғозларида тайёрланади. Бунда асосий форматларнинг қисқа томонларини қаррали микдорда узайтириш билан ташкил қилинадиган кўшимча форматлар қўлланилиши мумкин.

35. Кўчмас мулк объекти фақат ер участкаси ёки фақат бино, иншоотдан (квартирадан, бино, иншоотнинг бир қисмидан) иборат бўлган ҳолларда кадастр йиғмажилди тегишли объект бўйича тайёрланади.

36. Кадастр йиғмажилдининг муқоваси мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда тайёрланади. Унда кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ эгасининг номи ва кўчмас мулк объектдан фойдаланиш мақсади келтирилади.

37. Кадастр йиғмажилдининг титул варағи мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда тайёрланади.

38. Кадастр йиғмажилдининг титул варағидан кейин мундарижа жойлаштирилади. Унда ҳар бир ҳужжатнинг номи ва варақ рақами ёзилади.

39. Мундарижадан кейин ижрочи томонидан тайёрланган қисқача тушунтириш хати жойлаштирилади ва унда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтиш ҳолатлари, ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқ ўтиши муносабати билан ўтса, биринчи ердан фойдаланувчига ер участкасини бериш тўғрисида давлат ҳокимияти органининг қарори, бино ва иншоотларнинг тавсифини аниқлашда лойиҳа-смета ҳужжатлари, бошқа давлат кадастрлари маълумотларидан фойдаланилган тақдирда, ушбу материаллар ва кўчмас мулкнинг бошқа тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

40. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кадастр йиғмажилдида мазкур Қоидаларнинг 11-иловасига мувофиқ кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

41. Тайёрланган кадастр йиғмажилди туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бош муҳандиси ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи мутахассис томонидан икки кун ичида текшириб чиқилади.

Кадастр йиғмажилди қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда, аниқланган камчиликлар ёзма равишда бир кун муддатда тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш учун ижрочи мутахассисга тақдим этилади. Ижрочи мутахассис камчиликларни кўриб чиқади ва уч кун муддат ичида кадастр йиғмажилдига тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритади.

Тайёрланган кадастр йиғмажилдининг титул варағи уни тайёрлаган туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбари, бош муҳандиси ва ижрочи томонидан имзоланади.

42. Кадастр йиғмажилди икки нусхада тайёрланади. Унинг бир нусхаси юридик ва жисмоний шахс ёки уларнинг вакилига топширилади. Иккинчи нусхаси туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси архивида доимий сақланади.

Кадастр йиғмажилдининг архив нусхасини ёки ундаги ҳужжатларни туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси архивидан олиб қўйишга йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

6-боб. Кадастр йиғмажилдига ўзгартиришлар киритиш

43. Кадастр йиғмажилдига ўзгартиришлар кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ эгаларининг ёки улар вакилларининг, шу жумладан ҳуқуқ эгаси ўзгарганда янги ҳуқуқ эгаларининг аризаларига мувофиқ киритилади. Аризага кадастр йиғмажилдига ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлган ҳужжатлар ҳамда юридик ва жисмоний шахсда сақланаётган кадастр йиғмажилди илова қилинади.

44. Бино ва иншоотларнинг конструктив қисмлари, хоналар сони ўзгартирилган ҳолда реконструкция қилинганда улар қайтадан техник инвентаризация қилинади ҳамда у асосида бино ва иншоотларнинг кадастр маълумотлари қайтадан тайёрланади.

45. Бино ва иншоотларнинг конструктив қисмлари, хоналар сони ўзгармаган ҳолда унга нисбатан ҳуқуқ тури ва (ёки) ҳуқуқ эгаси ўзгарган тақдирда, кўчмас мулк объекти қайтадан техник инвентаризация қилинмайди. Бунда тегишли ҳуқуқ эгасининг аризасига мувофиқ кадастр йиғмажилди унинг номига қайта расмийлаштириб берилади.

46. Юридик ва жисмоний шахснинг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқи бекор бўлганда ёки бекор қилинганда, ушбу объектга тайёрланган кадастр йиғмажилди янги ҳуқуқ эгасига берилиши лозим. Бунда кадастр йиғмажилди унга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун янги ҳуқуқ эгаси томонидан туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига топширилиши лозим.

47. Кадастр йиғмажилдига ўзгартиришлар киритишда унинг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг архивида сақланаётган нусхасига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бунда кадастр йиғмажилдининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг архивида сақланаётган нусхасида мавжуд бўлган ҳужжатларни олиб ташлашга йўл қўйилмайди, янги ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар кадастр йиғмажилдига янгиланиши бўйича қўшиб борилади.

48. Кадастр йиғмажилди йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганда ҳуқуқ эгасининг аризасига мувофиқ туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк ка-

дастри давлат корхонаси архивида сақланаётган кадастр йиғмажилдининг ҳуқуқ эгасига тегишли қисмларидан нусха олинади. Ушбу нусхалардан иборат кадастр йиғмажилдининг ҳар бир варағига туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбари томонидан аслига тўғри деган ёзув киритилади ва имзоланади ҳамда ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида ҳуқуқ эгасига топширилади.

7-боб. Яқуний қоида

49. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига
1-ИЛОВА

НАМУНА

Ер участкаси чегараларини аниқлаш ва келишиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил «__» _____ тумани (шаҳри)

Биз, _____ тумани (шаҳри) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси муҳандиси _____
(ижрочининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

ва ер участкасининг ҳуқуқ эгаси _____
(юрidik шахс вакилининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ қўйидагиларни аниқладик.
(ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Ер участкаси _____ жойлашган.
(жойлашган манзили)

Ер участкасининг кадастр рақами _____
_____ га _____ га ер участкаси
(юрidik шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (ер участкаси берилган ёки унга бўлган ҳуқуқнинг ўтиши тўғрисида ҳужжат номи, санаси, рақами)
мувофиқ _____ ҳуқуқи билан берилган,
(ер участкасини бериш мақсади, ҳуқуқ тури)

амалда ер участкасининг майдони _____ га ни ташкил қилади.

Ер участкаси _____ мақсадида фойдаланилмоқда, унинг экин ери _____ га, боғ _____ га, узумзор _____ га, тутзор _____ га, яйлов _____ га, қурилиш остидаги ва ҳовли ерлари _____ га, бошқа ерлар _____ га.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Ер участкасидан хужжатлар бўйича фойдаланиш мақсади _____,
амалда _____ мақсадида фойдаланилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг чекланиши _____
(хужжат номи, чеклаш мазмуни)

Ер участкасида _____
(хужжат номи, муҳофаза зонаси белгиланган объект тури, муҳофаза

зонасининг майдони, фойдаланиш шarti)

Ер участкасини баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар _____

Ер участкаси чегараларининг таърифи _____

Ер участкаси чегаралари бўйича ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгасининг
ва чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгаларининг _____
(эътирозлари йўқ / куйидаги эътирозлари мавжуд)

Ер участкасининг бошқа хусусиятлари _____

Мазкур далолатномага унинг ажралмас қисми сифатида ер участкасининг _____
масштабдаги кадастр плани илова қилинмоқда.

_____ тумани (шаҳри)
ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри
давлат корхонаси муҳандиси _____
(ижрочининг лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ер участкасига бўлган
ҳуқуқ эгаси _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

Чегарадош ер участкаларига
бўлган ҳуқуқ эгалари

1. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)
2. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)
3. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

568-модда

— 80 —

44 (700)-сон

20 __ йил «__»_____ даги
Ер участкаси чегараларини аниқлаш ва
келишиш далолатномасига
ИЛОВА

ЕР УЧАСТКАСИНИНГ КАДАСТР ПЛАНИ

(юридик шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Кадастр рақами _____
Ер участкасининг майдони _____га

Масштаб _____

Ижрочи _____
(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ер участкасининг
ҳуқуқ эгаси _____
(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгалари:

(номи, имзоси, фамилияси, исми-шарифи)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғма-
жилдини тайёрлаш қоидаларига
2-ИЛОВА

**Ер участкасининг кадастр
ПАСПОРТИ**

1. Ҳуқуқ эгаси:

а) юридик шахснинг номи _____

б) жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми _____

в) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) _____

2. Ер участкасидан фойдаланиш мақсади:

а) ҳужжатлар бўйича _____

б) амалда _____

3. Ер участкасининг ўрнашган жойи _____

4. Ер участкасининг кадастр рақами _____

5. Ер участкасига бўлган ҳуқуқ тури _____

6. Фойдаланиш муддати _____

7. Ер участкасининг майдони (га):

а) ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжат бўйича _____

б) амалда фойдаланилаётган майдон _____

8. Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат(лар) _____

9. Ҳуқуқни чеклашлар, сервитутлар ва бошқа шартлар тўғрисида маълумотлар:

а) тури ва мазмуни _____

б) асос _____

в) амал қилиш муддати _____

10. Муҳофаза зоналари тўғрисида маълумотлар:

а) муҳофаза зонаси белгиланган объект тури _____

б) муҳофаза зонасининг майдони (га) _____

11. Ер участкасидаги кўп йиллик дарахтлар тўғрисида маълумотлар:

а) тури _____

б) сони (дона) _____

12. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар:

давлат реестрига киритилган реестр рақами киритилган сана _____

13. Ер участкасини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар _____

14. Махсус иншоотларга хос маълумотлар _____

15. Бошқа маълумотлар _____

Ижрочи _____

(лавозими, имзоси, фамилияси, исмининг бош харфи)

Кўчмас мулк объектларига
кадастр йиғмажилдини тайёрлаш
қоидаларига
3-ИЛОВА

44 (700)-сон

**Биноларнинг ички ўлчов
ҚАЙДНОМАСИ**

Бино- нинг коди	Қават рақами	Хонанинг пландаги рақами	Хонанинг номи	Ўлчамлари, м (формулада)	Майдони, м ²			Баланд- лиги, м	Ҳажми, м ³
					фойдали (яшаш)	ёрдамчи	умумий фойдали		
0001									
0002									
0003									
0004									
0005									
0006									
0007									

Ижрочи _____
(лавозими, илзоси, фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

— 83 —

568-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2015 й.

Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш
қоидаларига
4-ИЛОВА

568-модда

**Бино ва иншоотларнинг ташқи ўлчови
ҚАЙДНОМАСИ**

Бино ва иншоотнинг коди	Бино ва иншоотнинг номи	Қаватлар сони	Ўлчамлари, м (формулада)	Асосий бинолар			Ёрдамчи бино ва иншоотлар			Ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар			Умумий қурилиш ости майдони ва ҳажми	
				майdonи, м ²	баландлиги, h, м	ҳажми, м ³	майdonи, м ²	баландлиги, h, м	ҳажми, м ³	майdonи, м ²	баландлиги, h, м	ҳажми, м ³	майdonи, м ²	ҳажми, м ³
0001														
0002														
0003														
0004														
0005														
0006														
0007														
Жами	X		X		X		X		X					

Ижрочи _____
(лавозими, имзоси, фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

— 84 —

44 (700)-сон

Кўчмас мулк объектларига
кадастр йиғмажилдини тайёрлаш
қоидаларига
5-ИЛОВА

**Бино ва иншоотлар конструктив қисмларининг
ТАВСИФИ**

Бино ва иншоотнинг коди	Бино ва иншоотнинг номи	Конструктив қисмларнинг тавсифи							
		пойдевор	пойдевор усти	деворлар	бостирма	партусинлар	том	том қопламаси	пол
0001									
0002									
0003									
0004									
0005									
0006									
0007									

Ижрочи _____
(лавозими, имзоси, фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

Кўчмас мулк объектларига
кадастр йиғмажилдини тайёрлаш
қоидаларига
6-ИЛОВА

568-модда

Бино ва иншоотнинг эскирганлик даражасини аниқлаш

Бино ва иншоотнинг коди	Конструктив қисмлар номи	Техник аҳволи (чеккан, ёрилган, чириган ва ҳоказо)	Конструктив қисмларнинг солиштирма улуши, %	Солиштирма улушларга тузатмалар, %	Тузагишлар киритилгандан кейинги солиштирма улуши, %	Конструктив қисмларнинг эскирганлиги, %	Конструктив қисмлар эскирганлигининг ўртача фоизи, %
0001							
0002							
0003							
0004							
0005							
0006							
0007		Жами					

Ижрочи _____
(лавозими, имзоси, фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига
7-ИЛОВА

Бино ва иншоотларнинг инвентарь ҚИЙМАТИ

Бино ва иншоотларнинг кодлари	Бино ва иншоотларнинг номи	Тикланиш қиймати, сўм	Эскириш даражаси, %	Инвентарь қиймати, сўм
0001				
0002				
0003				
0004				
0005				
0006				
0007				
Жами				

Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғма-
жилдини тайёрлаш қоидаларига
8-ИЛОВА

Бино ва иншоотларнинг кадастр ПАСПОРТИ

I. Умумий маълумотлар

1. Ҳуқуқ эгасининг номи _____
(юридик шахснинг номи, жисмоний шахснинг фамилияси, исми)
2. Объектнинг номи: _____
3. Ҳуқуқ тури _____

II. Юридик маълумотлар

1. Ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат (номи, санаси, рақами) _____
2. Объектнинг фойдаланиш тури:
ҳужжат бўйича _____
амалда _____

3. Фойдаланишнинг махсус режимлари тўғрисида маълумотлар: _____

III. Молиявий-иқтисодий маълумотлар

1. Жисмоний шахсга тегишли бўлган бино ва иншоотнинг инвентарь қиймати _____ минг сўм.

2. Юридик шахсга тегишли бўлган бино ва иншоотнинг 20____ йил 1 январь ҳолатига қолдик баланс қиймати _____ минг сўм.

IV. Қурилиш маълумотлари

(Агар объект бир нечта бинодан ва иншоотдан иборат бўлса, ҳар бир бино ва иншоот бўйича қўшимча маълумотлар берилади)

1. Фойдаланишга қабул қилинган йили _____

2. Конструкциялар тури _____

3. Қаватлар сони _____

V. Ўлчов маълумотлари

1. Алоҳида бинолар (корпуслар) сони _____

2. Асосий хоналар сони _____

3. Умумий фойдали майдони _____ м², фойдали (яшаш) майдони _____ (м²).

4. Иншоотлар сони _____, майдони _____ м².

5. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар эгаллаган майдон _____ м².

VI. Муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганлик тўғрисида маълумотлар

Муҳандислик коммуникациялари номи	Бинолар бўйича муҳандислик коммуникацияларининг мавжудлиги					
	0001	0002	0003	0004	0005	0006
Электр таъминоти						
Газ таъминоти						
Сув таъминоти						
Канализация						
Иссиқлик энергияси таъминоти						
Лифт, юккўтаргич						
Бошқа маълумотлар						

VII. Махсус иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар

1. Иншоотнинг номи _____

2. Иншоотнинг туман (шаҳар) чегарасидаги узунлиги, км _____

3. Ер юзига нисбатан жойлашуви _____
4. Иншоотнинг техник кўрсаткичлари _____

Ижрочи _____

(лавозими, имзоси, фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига
9-ИЛОВА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ,
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

_____ тумани (шаҳри)
ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси

**КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИГА
КАДАСТР ЙИҒМАЖИЛДИ**

Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ эгасининг номи:

_____ (юрлик шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Кўчмас мулк объектдан фойдаланиш мақсади:

_____ т (ш).
20__ йил

Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига
10-ИЛОВА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ,
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

_____ тумани (шаҳри)
ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси

**КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА
КАДАСТР ЙИҒМАЖИЛДИ**

Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ эгасининг номи:

_____ (юридик шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Кўчмас мулк объектидан фойдаланиш мақсади:

Корхона раҳбари _____
(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Корхона бош муҳандиси _____
(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ижрочи _____
(лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ т (ш).
20__ йил

Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қондаларига
11-ИЛОВА

**Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқнинг давлат
рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Кўчмас мулк эгасининг тўлиқ номи _____

2. Кўчмас мулкнинг жойлашган манзили _____

3. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши:
Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларнинг
давлат реестрига киритилган санаси ва рақами _____

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги
тўғрисида гувоҳнома серияси, рақами, санаси _____

4. Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши:
Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларнинг
давлат реестрига киритилган санаси ва рақами _____

Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилган-
лиги тўғрисида гувоҳнома серияси, рақами, санаси _____

5. Кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтка-
зилиши:

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларнинг
давлат реестрига киритилган санаси ва рақами _____

Кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказил-
ганлиги тўғрисида гувоҳнома серияси, рақами, санаси _____

6. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ тури:
ер участкасига _____

бино ва иншоотларга _____

кўп йиллик дарахтларга _____

Ижрочи _____

(лавозими, имзоси, фамилияси, исмининг бош харфи)